

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**



**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ВА ТАРҒИБОТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари*

Тошкент шаҳри, 2022 йил, 3 июнь

УЎК: 316:17.022.1(575.1)
001.895(575.1)
КБК: 60.54(5Ў)
Д 14

Д 14 **Давлатов, Олимжон**

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва тарғиботнинг замонавий технологиялари республика илмий-амалий конференция материаллари [Матн] / О. Давлатов .- Тошкент: "MAX PRISTIL" ,2022.-502 б.

ISBN 978-9943-8326-0-2

УЎК: 316:17.022.1(575.1)
001.895(575.1)
КБК: 60.54(5Ў)

Мазкур Республика илмий-амалий конференцияси материаллари Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 4 апрель 7-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тўплам Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти Илмий-ушлублий кенгашининг 2022 йил 27 апрелдаги 9-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Олимжон Давлатов, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ташкилий гуруҳ:

М.Кахарова, И.Суванов, М.Мусаев, М.Ғаффарова, Ш.Тўраев, О.Бозоров, Х.Умаров, А.Қиличев, К.Тўраев, А.Мадрахимов, Х.Қучқаров

Мазкур конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташиқил этиши тўғрисида”ги 340-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан, маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини ташиқил этишининг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиши, уларни ўз вақтида амалга ошириши чораларини кўриши, ушбу соҳада давлат органлари ва ташиқилотларнинг фаолият самарадорлигини янги босқичга кўтариши, замонавий тарғибот маҳсулотларини яратиши мақсадида ўтказилмоқда. Тўпламдан ўрин олган мақолалар мазмуни ва аниқлиги учун муаллифлар масъул.

ISBN 978-9943-8326-0-2

© Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, 2022

© "MAX PRISTIL" МЧЖ, 2022

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА АЁЛ ТИМСОЛИ

*Гулова Аноргул Ахтамовна,
Бухоро давлат университети
“Миллий зоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси*

Алишер Навоий таъбирича, инсон дунёдаги бутун борлиқлардан, бутун нарсалардан юқори ўринда туради. У мавжудодлар ичида “шариф” ҳисобланиди. Мутафаккир уни насрий ва назмий асарларида борлиқнинг, умуммавжудоднинг энг бебаҳо дурдонаси, коинот тожи, деб тарифлайди:

..Карам бирла халқ айлагай оламе,
Бу оламда мақсуд анга одаме.
Ғараз одами анга олам туфайле,
Не ким ғайри оламдур ул ҳам туфайл⁹³.

Кўринадики, Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон, унинг (инсоннинг) борлиғи оламнинг мазмуни бўлиб, дунё яратилишидан мақсад одамдир. Бундан келиб чиқадики, бутун воқелик унинг (инсоннинг) истаклари объектдир ва мазкур истакларга хизмат қилиши даркор.

Очилғон гулшанда инсон гули,
Не инсон гули, боғи ризвон гули⁹⁴.

Алишер Навоий асарларида аёлга муносабат, аёл зотига эҳтиром бўлакча. “Насойим-ул муҳаббат” асарида 770 та шайх ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар жамланган бўлса, шулардан ўттиздан ортиғини авлиё аёллар ҳаёти ҳамда фаолияти ташкил этади. “Ҳайрат ул-аброр”да аллома ислом оламида маълум ва машҳур мутасаввифлар Иброҳим Адҳам ва Робияи Адвия ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Мазкур ҳикоятда баён қилинишича, Иброҳим Адҳам ўн тўрт йил чўлу биёбонда юриб, Маккаи мукаррамага этиб келишга муяссар бўлади, аммо, зиёрат қилишга муштоқ бўлгани муқаддас Каъбатуллоҳ ўз ўрнига бўлмаганлигига гувоҳ бўлади. Бунинг сабабини суриштирганида у эрда ҳозир бўлган кишилар муборак саждагоҳнинг авлиё аёл Робияи Адвия истиқболига чиққанлигини айтадилар. Бу ҳолатдан Иброҳим Адҳам чуқур қайғуга ботиб, фиғонини фалакка кўтаради мутасаввуф Робия билан учрашишга қарор қилади. Заковатли аёл Робия Иброҳим Адҳамнинг фиғонли саволларини тинглагач қуйидагича жавоб беради:

Робия деди анга: «Огоҳ бўл,
Кими неча йил бодияда борча йўл.
Бўлди ишинг арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак.
Санга самар берди намозу риё,

⁹³ Алишер Навоий. “Хамса”. Т.: “Фан”, 1960. 622-бет.

⁹⁴ Алишер Навоий. “Хамса”. Т.: “Фан”, 1960, 621-622-бет.

Бизга бу берди ниёзу фано»⁹⁵.

Юқоридаги шеърий парча мазмунидан аён бўлишича, инсон, фақат, тоат-ибодат билангина чекланмай, шаръий аҳкомларни бажариш билан бир қаторда атрофдагилар, хусусан, диндошларига эзгу ишлар қилиб ёрдам беришга улгурмоғи керак. Мазкур масалага ташқаридан нигоҳ ташлаганда, Иброҳим Адҳам фаолиятида ҳамма нарса ўз ўрнида бўлгандай кўринади. Аммо, аслида, унинг эътиқоди йўлида зоҳир ва ботин орасидаги таносуби оз бўлса-да озор топган. Авлиё аёл Робияи Адвияда эса ана шу нуқта ҳам мавжуд эди. Бу ўринда дунёда бўладиган нарсаларни, худди бир пиёла сувга қараб тургандек, кўриб турувчи, сезувчи, билувчи, баҳоловчи Тангри таолога ўша бўшлиқ маълум бўлган эди. Шу сабабли Оллоҳ ана шу қалтис нуқтани суюкли бандаси Робия кўнглига солиб, унинг тили орқали ошқор қилди. Алишер Навоий ўз асарлари қаҳрамонлари тилидан ота-онанинг борлигини ғанимат билиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш кераклиги, иложи борица уларнинг хизматида бўлиб, дуоларини олиш кераклигини, айниқса, онаи зорга алоҳида эҳтиромда бўлиш даркорлигини бот-бот уқтиради.

Манга зулм ўлди фалакдинки чу бўлдунг бемор,

Керак эрдик мен ўлсам бошинг узра ғамхор.

Шарбатинг эзсам эди шираи жоним қўшуб,

Ичурурга қилибон жаҳд неким мумкин бор.

Ҳам ғизо мен керак эрдик тутуб олингда,

Рағбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.

Гаҳ бошингни тузатиб, гоҳ аёғингни ёпиб,

Эврулуб бошинга фарзандлиғ айлаб изҳор,-
деб Искандар каби нола қилгани иш бермас.

Буким мен-мен, манга ўлмак дағи ҳайф,

Улус аҳволима кулмак дағи ҳайф.

Сен ар дардимдин ўлсанг ранжфарсой,

Манга ул ранжу ғамдин вою юз вой!

Мени розилиғингдин қилма навмид,

Манга дўзах ўтини солма жовид,- деб Фарҳоддек фарёд қилишдан фойда келмас. Навоий ҳазратлари валад вужуди самин лаълининг кони бўлмиш ота-онани кўп фурқатда қолдирмаслик, йироқлик билан уларни меҳнатга қўймаслик, ўз кўнглича, улардан бемаслаҳат боши оққан томонга кетмаслик, иссиқ ўрнини совутмаслик, бегонани уй сори ёвутмасликка чақиради. Ота-онани ранжитувчи иш қилмаслик, ҳар дам ўзини, кўнгил билан кўзини асрамоққа ундайди. Бинобарин, кўнгил пок бўлса, инсоннинг барча аъзолари саломат бўлади. Кўз эса дил ойнаси, севги-муҳаббат дилга меҳмон бўладими,

⁹⁵ Алишер Навоий. *Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 7-том. Тошкент: «Фан», 1991, 120-б.*

бирор хурсандчилик ва ёки мусибат юзланадими, инсон ўзлигини асраши лозимлиги қайта-қайта уқтирилади⁹⁶.

Не қилғон хаёлим бори хом эмиш,
Ҳавас жоми кўнглумга ошон эмиш.
Керак эрди, то кирди мағзимға хуш,
Хирад токи солди димоғимға жўш.
Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.
Санга айлабон хоки даргоҳлик,
Анинг отин айтсам эди шоҳлик.

Юқорида келтирилган шеъринг парчада Алишер Навоий олам очмоқни ўзига мақсад қилган, айти шу мақсад учун мухтарам онага айрилиқ азобини раво кўрган ҳамда оқибатда ҳукмдорлик шуҳрати фарзанд сифатида онаси олдида “киприк била чун йўлин супуриб”, қуллик қилиш, эр ўпиб хизматини қилишга асло тенг бўлмаслигини англаб этган шоҳ Искандар номидан фарзанд учун ой-у қуёш бўлган ота-онага хоки даргоҳлик айламоқлик аслида айнан шоҳликнинг ўзи эканлигига иқрор бўлади. Албатта, ҳатто, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда эътироф этилганидек, ҳар бир инсон учун ота-она олдида фарзандлик бурчини адо этмоқ, уларнинг оғирини энгил қилиб хизматига шай турмоқ, кўнгилларини олмоқ, хоки пойи бўлиб қуллик бажо қилмоқ энг олий саодатдир. Буни файласуф шоир шоҳлик дея эътироф этади. Бу фалсафани ҳар бир фарзанд ўз вақтида тушуниб, шунга қараб ҳаракат қилса, нафақат, ўз ота-онасига, биринчи навбатда ўзига яхшилик қилган бўлади. Чунки, “қайтар дунё” деган ибора бежизга айтилмайди. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “шоҳнинг фарзанди гулдур, нахлига фарзанд шоҳ”. Зеро, фарзанд кўз олдида ота-онасининг ўз ота-оналарига муносабати айти ибрат мактабидир.

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.

Юқорида келтирилган шеъринг парча “Назмул-жавоҳир” асаридан олинган бўлиб, унда Алишер Навоий фарзандни ота йўлида жон фидо қилишга, онага ҳам имкони борича кўп ва хўп хизмат қилишга, уларга доимо ғамхўрлик қилишга даъват қилади.

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Мазкур таъсирчан мисралар “Арбаъийн” асаридан ўрин олган бўлиб, аллома “Жаннат оналар оёғи остидадир” ҳадисини назмда ифодалаган. Бу

⁹⁶ Абадият гулшани.Т.: “Шарқ”. 2016. 2-китоб, 122-б.

билан ҳазрат Навоий дилбандига бирор ғам этса, шомдан тонггача жони маҳзун, тонгдан шомга довур ашки гулгун, андуҳ ўти димоғини маҳрур этган, оқ сочи юзига кофур сочган онаизор чеккан азобларини кўтаришга тоғлар ожиз эканлигини таъкидлаб, фарзандлар мунис ва муҳтарам волиданинг пойини ҳар қанча тавоф қилса, шунча оз эканлигини, уларнинг кўнгилларини олиб, қанча хушнуд этсак, жонимизни пойига пояндоз қилиб тўшасак, биз олдимизда жаннатнинг жилва қилишига восил бўламиз дейди. Муаззам асарлари одоб қомуси бўлган аллома ижодида оила масаласига ҳам алоҳида ёндашилади. Ҳар бир киши оилада ҳам одоб қонун-қоидаларига қатъий риоя этмоғи даркор. Ўз навбатида оила бошлиғи турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари учун жавобгардир. Фарзандлар ўз исмларидан уялиб юрмасликлари учун ота-она фарзанд дунёга келганда, аввало, унга чиройли исм қўймоқлиги фарз эканлигини шиорона лутф ила баён қилади:

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар этмагай андин уёт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. *Хамса*. Тошкент: “Фан”, 1960. 622-бет.
2. Алишер Навоий. *Ҳайрат ул-аброр*. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 7-том. Тошкент: “Фан”, 1991, 120-б.
3. *Абадият гулиани*. Тошкент: “Шарқ”. 2016. 2-китоб, 122-б.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Гулова Аноргул Ахтамовна,
БухДУ “Миллий гоя, маънавият
асосларива ҳуқуқ таълими” кафедраси
ўқитувчиси*

*Юлдошева Ферангиз Рашид қизи,
Тарих ва маданий мерос факултети
“Ижтимоий иш” таълим йўналиши
1-босқич талабаси*

“Сайёрамиз эртанги куни, фаровонлиги, фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, зўравонлик гояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”⁹⁷. Глобаллашув — бу ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашувидир. Яна, глобаллашув миллат ва элатлар, мамлакатларнинг маданий ва маънавий, иқтисодий жиҳатдан

⁹⁷ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning BMTning 72-sessiyasida so'zlagan nutqidan.

50	Д.Тўраева Б.Холмаматов Ижтимоий тармоқларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири	200
51	Ш.Бозоров Аҳмад Дониш маънавий меросининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни	204
52	А.Гулова Алишер Навоий маънавий меросида аёл тимсоли	208
53	А.Гулова Ф.Йўлдошева Глобаллашув шароитида мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масалалари	211
54	Т.Маматқобилов М.Абиджонова Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омиллари!	214
55	З.Файзраҳманова Бухоро хонлигининг маънавий ҳаёти ва ташки муносабатлари	218
56	Ш.Абдурасилов Тошкент алломаларининг маънавий мероси	222
57	Ш.Эрназаров Миллий юксалиш ғояси ва тарихий тафаккур омили	226
58	Б.Жўрақўзиев Манипуляция жараёнлари ва уларга қарши чоратadbирларнинг зарурати	230
59	О.Тошева Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштириш	232
60	Б.Турдиев Янги Ўзбекистон идеосферасида инфорацион таҳдид таъсири ва унинг олдини олиш зарурати	236
3-ШҲЪБА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ		
61	Дониёров С.А Жўраев А.М. Ёшлар дунёқарашига экологик маънавиятни сингдириш – давр талабидир	239
62	С.Қораев М.Файзуллаева Бошланғич синф ўқувчиларида тарбия дарслари орқали ватанга муҳаббат ҳисларини ошириш технологияси	240
63	М.Юлдашева З.Саминжонова Ёшлар тасавурида ижтимоий тармоқларни идрок қилишнинг психологик таҳлили	242
64	Н.Абдуллажонова Маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг айрим жиҳатлари хусусида	244
65	Акрамова Ф.А. Маънавиятли оила – жамият таянчи.	246
66	И.Эргашев Б.Абдуллаев Глобал мафкуравий хавфсизликни таъминлаш омиллари	253
67	З.Замонов Маънавий тарбияни амалга оширишнинг прагматик концепцияси	256
68	М.Хабибуллаев Ватанпарварлик ғояси - глобаллашув жараёнида мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида	259
69	А.Панжиев Ўқувчи ёшларнинг маънавий камол топишида оиланинг ўрни	262
70	М.Мамажонова Ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологиялари	266
71	А.Вайсов Янги Ўзбекистонда маънавий-маърифий ислохотларнинг амалга оширилиши (Хоразм вилояти мисолида)	269
72	Б.Маматқулов Президент мактабларида ўқувчи-ёшларни ватанга муҳаббат ва касбга садоқат руҳида тарбиялашда узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг ўрни	275
73	А.Худаяров Глобаллашув шароитида ёшларда миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш масалалари	279